

16«11»2022 yil.

26-7-100-MNQ/2022-son

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 12

Пайарик шаҳри

«18» «ноябр» 2022 йил

ООО FLORIDA STAR, кейинги ўринларда "Хизмат курсатувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ж.Абдуллаев номидан, бир томондан ва Пайарик туман маҳалла ва нурунийларни куллаб куватлаш булими, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбар Ш.Формонов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Хизмат курсатувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Суммаси
1	Темир Труба Д-40 мм	кг	200	49,900	9,980,000
2	Провод (Тули 2х2 кв)	дона	500	14,950	7,475,000
3	Арматура Д 14 мм	кг	500	14,900	7,450,000
Жами:					24905000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС сиз 24905000 (йигирма тўрт миллион туқиз юз беш минг сум) сўми ташқил қилади.

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани Пайарик туман бўйича Ғазначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка қарши мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Хизмат курсатувчи" аванс маблағлари Хизмат курсатувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Хизмат курсатувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Хизмат курсатувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Хизмат курсатувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Хизмат курсатувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Хизмат курсатувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Хизмат курсатувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:



- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

**2022 й «18» ноябрдаги № 12 - сонли шартноманинг I вараги**

- Хизмат курсатувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида

етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

**3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

**3.3. Хизмат курсатувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:**

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида

етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

**3.4. Хизмат курсатувчининг мажбуриятлари:**

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Хизмат курсатувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 15 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Хизмат курсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Хизмат курсатувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат курсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот Хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

**4.3. Хизмат курсатувчи:**

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Хизмат курсатувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Хизмат курсатувчидан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментини



ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Хизмат курсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар Хизмат курсатувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

#### 2022 й «18» ноябрдаги № 12 - сонли шартноманинг 2 варағи

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун Хизмат курсатувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Хизмат курсатувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Хизмат курсатувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш

тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

### 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

8.1 Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив

ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

Истемолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари).

Таминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва нормативе ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

### 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома Пайарик тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “ 31 ” декабргача амал қилади.

9.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

### 10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Буюртмачи”



«Икром»

OOO FLORIDA STAR

(мол Хизмат курсатувчининг номи)

Манзил: Пайарик тумани

Тел:

х/в: 2020800080555819001

Банк номи: "АТБ Турон банк"

МФО: 00446 СТИР: 309788208

ОКОНХ:

Рахбар: Ж. Абдуллаев



Пайарик туман Маҳалла ва ҳуроратларни куллаб куватлаш бўлими (бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Пайарик шаҳри

Тел./факс 998932398585

ш/х 100022860182247011402259001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 207317424

ОКОНХ

Ҳисобчилик номи Моллия вазирлиги Ҳазиначилик


Ҳазина х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Мар банк Тошкент ш. Бош бошқармачи ХККМ

МФО 00014

ҳазиначилик СТИРи 207317424

2022 й «16» ноябрдаги № 12- сонли шартноманинг 3-бараги

	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> <b>Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</b>	
	Imzolovchi F.I.SH.	SHUXRAT FORMONOV SHOGDAROVICH
	Imzolangan sana	16.11.2022 14:46
	Hujjat kodi	BU7220236260
	Hulosa kodi	YN1106486550



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Пайарик туман Маҳалла ва**  
**нуронийларни қўллаб қувватлаш**  
**бўлими, комиссия раиси**



Пайарик туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими  
қурилиш моллари сотиб олиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар  
ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Пайарик туман

« 18 » ноябр 2022 й.

Раислик қилувчи

Ш.Формонов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Комиссия аъзоси,	С.Холиқов
Комиссия аъзоси,	Д.Ибрагимов
Комиссия аъзоси,	Ф.Сарманов
Комиссия аъзоси,	И.Саманов

Котиб	Ж.Исмоилов
-------	------------

**КУН ТАРТИБИ:**

Пайарик туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими  
қурилиш моллари сотиб олиш хизмати бўйича

---

Дирекция томонидан 2022 йил 02 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Пайарик туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими қурилиш моллари сотиб олиш хизмати бўйича №22110012174750 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 10 ноябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Пайарик туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими қурилиш моллари сотиб олиш хизмати бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан ООО FLORIDA STAR корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига

асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Пайарик туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб қувватлаш бўлими бош бухгалтери Ж.Исмоиловга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 10 ноябрдаги электрон баённомасига асосан ҳолиб ООО FLORIDA STAR корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Етакчи мутахассис С.Холиқов хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия азолари

С.Холиқов

Д.Ибрагимов

Ф.Сарманов

И.Саманов

Ж.Исмоилов

